

## **KRASS: Барқарор ривожланиш сари**

Ўзбекистон мустақилликга эришгандан сўнг аграр соҳада ерлардан самарали фойдаланиш ислохотлари амалга оширила бошланди. Жумладан катта миқёсдаги жамоа ва ширкат хўжаликлари, хусусийлаштирилган фермер ва деҳқон хўжалиқларига айлантирилди. Ҳозирги кунда кўп сонли қишлоқ аҳолиси тупроқ шўрланиши ва унумдорлиги каби муаммоларга дуч келмоқда. Шу билан бирга барқарор иқтисодий тараққиёт, аҳоли сони ортиши ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши ва экологик ҳавфсизлик каби масалалар ҳам муҳим ўринни эгалламоқда.

XXIчи аср- ушбу муаммоларни ҳал қилишда қишлоқ хўжалиги тизимини мувофиқ даражада ривожлантиришни талаб қилади. Бу мураккаб вазифани амалга ошириш айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида тренинг хизмат кўрсатувчи таълим муассасалари, маслаҳат марказларининг етишмаслиги шароитида жуда қийин.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида консалтинг-маслаҳат хизмат кўрсатишга бўлган талабнинг орта бориши уни тезроқ ҳал қилишга ундамоқда.



## **KRASS: Инновация, самарадорлик ва истеъдод сари**



KRASS (Хоразм Агротаслаҳат Маркази) иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарадорли фойдаланишда янги инновацияларни тақдим қилувчи малакали ходимларни жалб қилади. Шунингдек, KRASS қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, айниқса қишлоқ ёшлари билим савиясини ошириш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

KRASS - 2008 йилнинг ноябрь ойида маҳаллий қишлоқ хўжалиги мутахассислари, илмий ходимлар ва тадқиқотчилар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этилган.

KRASS ташкилоти, мазкур ижтимоий-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги ислохотлари тараққиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат, маҳаллий ва ҳалқаро ННТ лар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Мустақил фаолият юритувчи нодавлат нотижорат носийсий KRASS ташкилоти, Германиянинг Бонн университети Тараққиёт

Изланиш Маркази (ZEF) томонидан таклиф қилинган.

## **KRASS: Ҳамкорларни изламоқда**

KRASS таъсисчилари Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси билим даражасини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш ҳамда экологик барқарорликни таъминлашни маслаҳат хизмат кўрсатиш орқали амалга оширади.

KRASS қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- ◆ *Қишлоқ хўжалигида изланиш ва маслаҳат* - қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, мақбул ечимларини топиш, фермер хўжалигини ривожлантиришда ўзоқ муддатли барқарор бизнес-режаларни ишлаб чиқиш
- ◆ *Қишлоқ хўжалигида таълим - тарбия* барқарор қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерларнинг билим ва тажрибасини ошириш



- ◆ *Энг яхши дастур амалиёти ёки инновацияларни тарқатмали ўқув материаллар, видео тасма кўринишида кенг омма/фойдаланувчиларга етказиш*
- ◆ *Қишлоқ хўжалигини режалаштириш, атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича мониторинг ва таҳлил қилиш функционал маълумотлар базасини ташкил қилиш*

**KRASS: сизнинг ишончли ҳамкорингиз**

KRASS ташкилоти бошқарув органи-директор, директор ўринбосари ва молия менеджери ташкил топган. Умумий йиғилиш раис ва ҳамда аъзолари орқали бошқарилади. Ташкилот Низомини тан олувчи ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ташкилот аъзоси бўлиши мумкин. KRASS таъсисчиларининг кўпчилиги чет эл олийгоҳлари магистратура ва аспирантура бўлимларида таҳсил олиб, халқаро илмий текшириш институтларида ўз тажрибаларини оширган. Шунингдек, KRASS ташкилоти миллий миқёсда Урганч Давлат университети, Ўзбекистон Пахтачилик Илмий-текшириш Институти, Маъмун Академияси, ТИМИ ҳамда халқаро миқёсда ICARDA, CIMMYT, DLR, GTZ, ZEF, UNESCO, ва Вурцбург университети каби ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.



Маълумот учун интернетдаги саҳифамиз: [www.KRASS.uz](http://www.KRASS.uz)

**Манзил:**

Ўзбекистон, Урганч, 220100  
 Хамид Олимжон кўчаси, 14-уй  
 Тел: +998 62 224 34 13  
 Факс: +998 62 224 33 47  
 e-mail: [krass@ymail.com](mailto:krass@ymail.com)

KRASS ННТи қуйидаги ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади:



Тараққиёт  
 Изланиш  
 маркази



ZEF/UNESCO  
 Хоразм  
 лойиҳаси



Урганч Давлат  
 Университети



## Маълумотномаси

